Ушбу сонда:
2 ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ
3 TV – ДАСТУРИ
4 ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА «САЛОМАТЛИК» СПАРТАКИАДАСИ МУСОБАҚАЛАРИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 18 май, шанба №80 (1297)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Кюдзо Катони «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижий элларда тарғиб қилишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун археолог олим ва жамоат арбоби Кюдзо Като «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 май

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 май куни Оқсаройда Туркиянинг «Коч Холдинг» компанияси бош ижрочи директори Булент Ўзойдинлини қабул қилди.

- Ўзбекистон-Туркия иқтисодий алоқалари ривожида «Коч Холдинг» муҳим ўрин тутади, - деди Ислом Каримов учрашувда. -Самарқанддаги «СамКочавто» қўшма корхонаси муваффақиятли фаолият кўрсатаётгани ва хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорт қилаётгани икки томонлама ҳамкорликнинг улкан ютуқларидан биридир.

Дарҳақиқат, «СамКочавто» ҳозир тўртта русумдаги автобус ва беш хил юк машинаси ишлаб чиқармоқда. Бу машиналар 500 минг километр йўл босганидан кейин ҳам капитал таъмирга эҳтиёж сезмайди. Шу боис ҳам Ўзбекистонда, ҳам хорижда самарадор техника сифатида бозори чаққон.

Қўшма корхонанинг бизнес-режасига кўра, жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 2001 йилдагига нисбатан икки баробар ортади. Келаси йил эса ишлаб чиқарилган автобусларнинг ярми экспортга жўнатилади. Маълумотларга кўра, бу борада шартномалар ҳам тузиб бўлинган.

Оқсаройдаги учрашувда «СамКочавто» қўшма корхонасини янада ривожлантириш борасидаги янги лойиҳалар, Ўзбекистон корхоналарининг «Коч Холдинг» билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Журналист нуқтаи назари

Мамлакатимизнинг жанубий чегараларида жойлашган, иқлим шароити кескин номўътадил Сурхондарёда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини амалга оширишнинг аниқ тадбирлари ишлаб чиқилган.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

ҳар бир кишининг жамият олдидаги бурчидир

Вилоятда 270 миллион сўм маблағ сарфланиб, 140 ўринли шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ишга туширилди. Марказга 31 миллион 126 минг сўмлик замонавий асбоб-ускуналар, 60 миллион 249 минг сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар олинди, 20 та «Дамас» тез тиббий ёрдам автомашиналари ажратилди. 83 та қишлоқ врачлик пункти янгитдан қурилиб, 43 таси қайтадан таъмирланди. Эндиликда қишлоқлардаги бундай шифо масканлари 126 тага етди. Термиз туманида 30 ўринли туғруқхона, 1 вилоят шифохонасида 60 ўринли жарроҳлик мажмуи, Жарқўрғон туманида 150 қатновга мўлжалланган болалар поликлиникаси фойдаланишга топширилди.

Тиббий муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Термиз филиали ноёб ускуналар —Олмониянинг Фрезениус фирмасида ишлаб чиқарилган сунъий буйрак аппарати, ултратовушли эхоскоп, лазер скалпели ва бошқа замонавий анжомлар билан таъминланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 20 минг беморга мўлжалланган дори-дармон ва тиббиёт жиҳозлари топширилди.

«Она ва бола» скрининг марказида чақалоқлар, ҳомиладор аёллар кўрикдан ўтказиляпти. Аниқланган касалликларни даволаш чора-тадбирлари кўрилаётганлиги репродуктив саломатликни яхшилашга самарали таъсир ўтказмоқда.

— Мураккаб беш поғонали тизим ўрнига аҳолига малакали тиббий хизматдан тўлиқ фойдаланиш имконини берадиган янги, икки поғонадан иборат биринчи тиббий санитария хизматига ўтилаётганлиги яхши натижа бермоқда, - дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ҳ.Қурбонов. — Асосий вазифа ҳар бир фуқарога ўз вақтида малакали тиббий хизмат кўрсатишдан иборат.

Маълумки, вилоят ҳудудиди шифокорлар қарийб 250 километрлик масофада истиқомат қилаётган 1 миллион 806 минг кишига хизмат кўрсатишади.

Вилоятда 417940 нафар туғиш ёшидаги аёллар , 699865 нафар ўсмир ёшлар бўлиб уларнинг соғлигини сақлаш, маънавий, тиббий ва ҳуқуқий онгини оширишга жиддий эътибор берилаяпти. Балоғат ёшига етган қизлар билан 869 марта учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Денов тумани марказий касалхонаси ҳузурида 1999 йилдан буён репродуктив саломатлик маркази фаолият кўрсатаяпти. Бўлимда онкология, гинекология, оила ва никоҳ ҳоналари ташкил этилган. Янги турмуш қурадиган ёшлар врачлар ҳузурида бўлиб, тиббий кўрикдан ўтадилар.

Жамоа хўжаликлари, қишлоқ ва маҳаллаларда Ф.Ғозиева, М.Турдаева, М.Муҳиддинова, Р.Жабборов ва бошқа малакали тиббий ходимлардан иборат гуруҳлар иштирокида фуқаролар билан мулоқотлар уюштирилмоқда. Даволаш-профилактика ишлари олиб бориляпти.

Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида тиббиёт ходимлари ўртасида замонавий контрацептив воситаларни қўлланиш усуллари ҳақида семинарлар ташкил қилиниб, шифокорларга сертификатлар берилади. Туғиш ёшидаги аёллардан 62204 нафари кўрикдан ўтказилиб, лозим топилганларда даволаш профилактика тадбирлари амалга ошириляпти.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш мақсадида 59 мингга яқин оила ўрганиб чиқилди ва тегишли маслаҳатлар берилди. Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимларидаги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича доимий ҳаракатдаги курсларда 1000 нафар йигит-қиз ўқитилди. Оила кодексига асосан турмуш қуриш олдидан 429 нафар йигит-қиз тиббий кўрикдан ўтди.

Йилнинг ўтган ойларида 10 мингдан ортиқ туғруқ қайд этилган. Болалар ва оналар ўлими кескин камайди. Ноўрин ҳомиладорликнинг олдини олиш учун 10 мингдан ортиқ аёлларга тегишли воситалар қўлланилди. Туғруқ мажмуалари, болалар шифохоналари ва оилаларда «Она сутининг афзалликлари», «Туғруқлар оралиғи», «Она бўлиш — бахт», «Ёш келинни ҳомиладорликка тайёрлаш», «Фарзанди комил оналар», «Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади», «Ҳомиладор аёллар гигиенаси», «Вояга етмаган қизларни турмушга беришнинг салбий оқибатлари» каби мавзуларда суҳбатлар уюштирилди.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида аҳоли соғлигини сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганлиги, зарур дори-дармонлар ва асбоб-ускуналар таъминоти қониқарсиз аҳволда эканлиги Юртбошимиз томонидан қаттиқ танқид қилинган эди.

Ҳақиқатан ҳам вилоятнинг Узун, Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Термиз туманлари марказий шифохоналарининг моддий-техника базаси талабга жавоб бермайди, кўпчилик тиббиёт муассасалари таъмирланмаган, иситиш тармоқлари тўлиқ ишламайди. 16 ёшгача бўлган болалар орасида ногиронлар 9421 нафарни ташкил этади. Алпомиш авлодлари вояга етган воҳада ногиронликнинг олдини олиш, болаларда темир, йод ва бошқа микроэлементлар етишмаслиги, оналардаги қамқонликни даволаш учун ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Қишлоқлардаги шифо масканларида педиатрия, акушерлик ва гинекология хизматининг ҳозирги даражаси замон талабларидан орқада қолмоқда. Яқин қариндошга турмушга чиқиш, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик турли хилдаги ирсий касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Булар барча учун сабоқдир.

Келажагимиз бўлган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш ҳар бир кишининг жамият олдидаги бурчидир.

И. ИСОМУДДИНОВ.

ЭЪЗОЗ

Касаллик оқибатида ўрнидан туролмай қолган 200 нафар кекса тошкентлик «Меҳр-шафқат ва саломатлик» республика жамғармаси қарамоғига олинди. Уларнинг уйига доимий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилади.

- Президент томонидан Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган жорий йилда биз муҳтож фахрийларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларимизни жонлантирдик, - деди жамғарма раисининг биринчи ўринбосари Мухтор Усмонхўжаев. - Мазкур хайрия тадбири Тошкент шаҳрида бошланди, у тез орада вилоятларга ҳам тарқалади. Бу билан жамғарманинг маҳаллий бўлимлари шуғулланади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижро этиб, республиканинг бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтирдик. Масалан, «Маҳалла», «Нуроний», Ибн Сино жамғармалари билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди. Маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар бирлашмалари, маҳаллий ҳокимият идоралари билан алоқалар ўрнатганмиз. Кам таъминланган ва бемор кексалар учун қўшма тадбирлар ўтказмоқдамиз. Уларга озиқ-овқат, кийим-кечак, пойафзал, дори-дармон етказиб беряпмиз. Ижтимоий ҳамкорлик доирасида жойларда долзарб муаммолар бўйича фахрийларнинг мутахассислар билан учрашувларини ташкил этяпмиз.

(ЎзА).

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ТОШДА ГУЛ УНДИРИБ

Қишлоқ хўжалиги бошқарувининг бош вазифаси экинлар ҳосилдорлигини ва боғлар самарадорлигини оширишдан иборатдир. Ана шу вазифа бажарилмас экан, қишлоқ кишисининг турмуш фаровонлигини кўтариш тўғрисида гап юритишнинг ўзи ортиқча. Биз Янгиқўрғон туманида бўлганимизда бу борада катта ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

«Кўкёр» ширкат хўжалигида ўтган йили мавжуд 345 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан салкам 74 центнердан дон йиғиштириб олинганки, бу тоғ олди, хусусан, занг ерлар шароитида юқори кўрсаткич эди.

— Ҳақиқатан ҳам бултурги эришган натижаларимиз чакки бўлмади, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Ёдгорбек Мақсудов. — Энг катта ютуғимиз ғаллачиликни ривожлантириш соҳасида бўлди. Тоғолди ҳудудидаги майдонлардан 2519 тонна сара буғдой тайёрланди, бу хўжалигимиз тарихида энг юқори кўрсаткичдир.

Раиснинг гапларида муболаға йўқ. Аслида ушбу кўрсаткич туман ва вилоят миқёсида ҳам хўжалик шароитини ҳисобга олганда таҳсинга сазовор натижадир. Нега деганда, экин майдонларининг ҳолати ғоят мураккаб. Тўрт энлик тупроқ қатламининг пастки қисми нуқул шағалдан иборат, сув ушламайдиган занг ерлардир. Осмонда офтоб кўриндими, сал ўтмасдан ернинг устки қисми оқара бошлайди. Маълумки, бу ранг иссиқни ўзига тез тортади ва пастки қатламга узатади. Қизиган шағал эса ўсимликни қовжиратади.

— Шунга йўл қўймаслик учун биз барча майдонларда «шарбат» оқизишга эътиборни кучайтирмоқдамиз, — қўшимча қилди раис. — Хонадонлардаги ортиқча маҳаллий ўғитни ҳам дала бошига чиқариб, фойдаланиш чорасини кўрдик. Экин остидан намни узмадик. Бу эса кўзлаган мақсадимизга етишимизни, мўл ҳосил тўпланишлигини таъминлади.

Муваффақиятларга эришишда раис тилга олганидан ташқари бошқа омиллар ҳам бор экан. Чунончи, пудратнинг кенг жорий этилганлигидир. Бу усулга 300 дан ортиқ киши жалб этилган бўлиб, улар ўзларига бириктилган экин майдонларининг тақдири учун жавоб берадилар. Қолаверса, шу ерлардан қанча кўп ҳосил олишса, манфаатдорликлари шунча юқори бўлади, оиласи тўқ ва фаровон яшайди. Уларнинг ҳар бирига бир гектардан ер ажратилиб, ҳар ўн пудратчига бир бош пудратчи раҳбарлик қилади. Шу тариқа ишни тўғри ва самарали ташкил этишга эришилмоқда. Натижада бултур Кушон Ражаббоев, Акрам Мирабдуллаев, Олим Ашуров кабилар бош пудратчилик қилишаётган ғалла майдонларидан 90-98 центнердан дон йиғиштириб олинди. Шунингдек, боғлар ва сабзавот, картошкадан ҳам мўл ҳосил олинди. Оқибатда одамлар ютуқлар самарасидан хурсанд бўлишди. 300 тоннага яқин дон пудратчиларнинг ўзларига тарқатилди. 25 тоннаси эса механизаторлар ва шу соҳада ишлаётганларга бепул бўлиб берилди.

— Умуман олганда, топширикда белгиланганидан ташқари ўз ихтиёримизда қолаётган дон ишловчиларни, қолаверса хўжалигимиз ҳудудида яшаётган аҳолини, биринчи навбатда ногиронларни, ёлғиз кексаларни, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлашимизда, уларни ижтимоий ҳимоялашимизда бизга жуда асқотмоқда, — дейди Ё.Мақсудов. — Аввало, хўжалигимиз ҳудудида яшайдиган кексалар ва жамики ишловчиларга имкониятимиз даражасида дон тарқатилди. Шунингдек, бошқа барча тармоқлардан олинган даромад ҳисобидан кўмакка муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш чораси кўрилаётир. Ўтган йилги қиш мавсуми олдидан етти нафар ёрдамга муҳтож ва қаровчисиз кексалар турар жойи таъмирлаб берилди. Бир кекса онахонга уй қуриб берилди. Икки нафар кишига ногиронлик аравачаси, уч нафарига эшитиш асбоби тақдим этилди. Хайитларда, турли байрамларда кексаларни тўплаб, дастурхон ёзиб, уларга совға-салом улашиш одат тусига кириб бормоқда. Касаба уюшма қўмитамиз билан тузилган жамоа шартномаси ва келишувлар асосида кам таъминланган оилалар аҳволидан мунтазам хабар олиб турилибди. Қишлоқларни ободонлаштиришга, турмуш даражасини яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда. Ўтган йилда 15 миллион сўм маблағ сарфланиб, Қизилёзди ва Кўкёр қишлоқларига газ келтирилди. Шу кунларда бу иш «Дўстлик» маҳалласида амалга оширилмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ, Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбирлари.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИ ТАНЛАНДИ

Жаҳондаги айрим давлатлар, шу жумладан, Исроил ҳамда мухолифатда бўлган баъзи бир арбоблар Ёсир Арофатни якка ҳокимликда айблаб келдилар. Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлидаги уринишлар, Исроил билан Фаластин ўртасидаги можароларни ҳал этиш, мустақил Фаластин давлатини эълон қилиш, ички террорчилар билан кураш олиб бориш осон кечмади.

Эндиликда Ёсир Арофат ўзгача йўл тутганлигини эълон қилди. Унинг фикрича, турли жабҳаларда тегишли ислоҳотларни амалга ошириш самарали натижалар бериши мумкин. Энг муҳими, у янаги йил бошида сайловлар ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб билмоқда. Мухторият раҳбарларини сайлашда бир неча номзодлар қўйилажаклиги билдирилди.

СТАНЦИЯДА НОСОЗЛИК

Халқаро қоинот станцияси (ХКС)да бир ҳафтадан буён носозлик кузатилмоқда. Станцияни кислород билан таъминлайдиган «Электрон» аппарати ишламаётир. Кема ичидаги фазогирлар заҳира хонасига кўчиб ўтдилар. Мутахассислар яқин вақт ичида носозликнинг сабабини аниқлаб, «Электрон»ни ишга туширишни режалаштирмоқдалар. Бунинг уддасидан чиқиб бўлмаса, 31 май куни Американинг «Индевор» кемасида ёхуд июннинг охирида Россиянинг «Прогресс»ида мазкур аппаратнинг ишдан чиққан қисмларини алмаштириш учун янги жиҳозлар юборилади.

ГОЛЛАНДИЯДА САЙЛОВЛАР

Голландияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Ундан бир неча кун аввал Ўта ўнглар партиясининг вакили Пим Фортейн ҳаётига суиқасд уюштирилиши боис сайловларнинг қолдирилиши кутилган эди. Лекин, ҳукумат бу йўлдан бормади. Сайловлар ўтказилди. Дастлабки натижаларга қараганда, Христиан демократлар партияси энг кўп овоз олган. Энди улар парламентда 40 ўринга эга бўладилар. Ўнглар эса иккинчи ўринда қолиб, 26 ўринни банд этадилар.

ЕРНИНГ ЎХШАШИ БОРМИ?

Американинг коинот агентлиги Ер сайёрасига ўхшаш сайёрани қидириб топишга мўлжалланган истиқболли иккита телескоп лойиҳасини танлаб олди. Уч йил бурун эълон қилинган конкурсда 60 та лойиҳа иштирок этди. Terrestrial Planet Finder деб аталган лойиҳани NASA ўн йил оралиғида амалга оширмоқчи. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, мазкур лойиҳа 1 миллиард доллар деб баҳоланмоқда.

СЕНАТОРЛАР РОЗИ

Ўтган йилги 11 сентябрдаги фожеалардан сўнг АҚШ конгресси разведка ишларига кўпроқ маблағ ажратиш мақсадида музокаралар ўтказди. Сенаторлар президент Жорж Бушнинг илтимосини қўллаб-қувватлаб, 1 октябрдан эътиборан ҳарбий маҳкама — Пентагон ва Марказий Разведка Бошқармасига 35 миллиард доллар ажратишга розилик бердилар.

55-ФЕСТИВАЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Франциянинг Канн шаҳрида очилган энг нуфузли кинофестивал ўз ишини давом эттирмоқда. Соврин олишга тавсия этилган 22 кинофильм намойиши қизиқарли кечмоқда. 55-фестивалга Голливуднинг энг машҳур юлдузлари ташриф буюришди. Ҳакамлар раёсатини машҳур киношунос, режиссёр Девид Линч бошқармоқда.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

ОМИЛКОР ВА ФИДОЙИЛАР

Мураккаб экологик шароит Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашларидан омилкорлик, матонат кўрсатиб ишлашни тақозо этади. Сўнгги йиллардаги қурғоқчилик, оби ҳаёт танқислиги қўшимча муаммоларни юзага келтирди. Бироқ, табиат қийинчиликларини баҳона қилиш асл деҳқонга, тадбиркор кишиларга ярашмайди. Буни «Қорақалпоғистон» агроҳўжалиги меҳнатчилари қалбдан ҳис қилишмоқда. Улар хориж технологиясини амалиётга дадил жорий этиб, фан ютуқлари, илғорлар тажрибасига таянган ҳолда барча муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга муваффақ бўлишмоқда. Бебаҳо бойлик — ердан, сувдан унумли фойдаланилмоқда.

Бирлашманинг томчилатиб суғориш асосида деҳқончилик қилинаётган 6 гектарлик иссиқхонасида етиштирилаётган сархил помидору бодринглар, кўкатлар нафақат Оролбўйи, балки Тошкент шаҳрида, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари бозорларида ҳам қўлма-қўл бўлмоқда.

Бир вақтлар ёпиқ майдонда қурилган иссиқхона хўжасизлик туфайли ташвишли ҳолга келиб қолганди. Мустақиллик шарофати туфайли бу ерда ишни тубдан қайта қуриш имконияти яратилди. Республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши натижасида Исроил давлатининг «Нетафин» компанияси билан экинларни томчилатиб суғориш учун технологик ускуналар ўрнатиш ва бошқа агротехник тадбирларни ўз ичига олган шартнома имзоланди. Канаданинг «Рананихолдинг» компанияси корхонани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, кредит ажратди. Хорижлик мутахассислар ускуналарни ўрнатиш, ишлатиш, шунингдек, технологик жараёнларни бошқаришни маҳаллий кадрларга қунт билан ўргатдилар.

6 гектарлик ёпиқ иссиқхона қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Бозор талабларига тўла жавоб берадиган серҳосил, эртапишар помидор ва бодринг кўчатлари парваришлана бошланди. Асосий эътибор корхонанинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилди.

— Энг муҳими, меҳнат унумдорлигини ошириб, моддий манфаатдорликка эришдик, - дейди агросаноат бирлашмаси раисининг ўринбосари Ажинияз Каниязов. - Бир квадрат метр ердан ўртача 26 килограммдан ҳосил етиштиришга эришилди. Илгари бир гектар ерда 15-20 киши ишлаган бўлса, ҳозир 7-8 киши фаолият юритмоқда. Унумдорлик қарийб 6 баравар ортди.

Пировард-натижа учун барча бирдек масъул. Ҳар ҳафтада икки марта ишнинг бориши танқидий нуқтаи назардан таҳлил этилади. Камчиликлар зудлик билан бартараф қилинади.

Раис муовини А.Каниязов Исроил давлатига бориб, малака ошириб қайтди. У хорижий деҳқонларнинг эртапишар, аъло нав ва юқори ҳосил етиштириш соҳасидаги тажрибаларини қунт билан ўрганди.

— Исроил технологияси бизнинг шароитга жуда мос, - дея ҳикоя қилади ҳамсуҳбатимиз. - Аввало бу усул оби ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиш, тозалаб фильтрланган сувни экин илдизларига юбориш имконини беради. Барча агротехник жараён компьютер орқали бошқарилади. Бу ҳар бир тадбирни вақтида, аниқ бажариш имконини беради.

Орол денгизи сатҳининг пасайиши минтақада оби ҳаётнинг ҳар томчисидан унумли фойдаланиш вазифасини кўндаланг қўйди. **Томчилатиб суғоришда ҳар гектар ердаги экинга ривожланиш даврида ўртача 25-30 кубометр сув сарфланади. Агар одатий ҳолдаги суғоришда 2500 кубометр сув кетганлиги ҳисобга олинса, Исроил технологиясининг нақадар афзаллигини яққолроқ кўрамиз.**

Иссиқхона илгари табиий газ билан иситиларди. Зангори оловнинг халқ хўжалигига зарурлиги ҳисобга олиниб, арзон ва қулай ҳисобланган суюқ ёқилғидан фойдаланишга ўтилди. Хўжаликда 5 та қозонхона мавжуд бўлиб, тўлиқ таъмирлаб қўйилган.

ТАБИИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ РЎКАЧ ҚИЛИШ ЗАИФЛИКДИР

— Иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалигида ўзининг кутилган самарасини бера бошлади, - дейди бирлашма раиси Ниятбой Палваниязов. - Жамоамиз ўз ишини пухта биладиган, садоқатли 222 нафар деҳқон ва мутахассисдан ташкил топган. Давлатимиз раҳбарининг хорижий инвестицияни ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш борасидаги даъватидан руҳланиб, яна бир хайрли ишга қўл урдик. Италиянинг номдор фирмаси билан имзоланган шартнома асосида агросаноат мажмуини янада кенг миқёсда ривожлантиришга киришилди. Катта миқдордаги АҚШ доллари қийматига эга бўлган кредит лойиҳаси 2000 йилнинг майида Осиё Тараққиёт банки томонидан маъқулланди. Натижада Исроил технологияси усулида 140 гектар очиқ майдонни томчилатиб суғориш ва полиэтилен халталарда соатига 10 тонна томат пастаси ишлаб чиқарадиган завод италиялик мутахассислар томонидан ускуналанди. **100 кишини иш билан таъминлаган йирик озиқ-овқат саноати мажмуаси Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди. Бултур ушбу заводда 130 тонна харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 30 миллион сўмдан ортиқ фойда олинди.**

Ҳар иккала давлат вакилларининг ўтган йилги учрашувида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Ҳамкорликни янада ривожлантириш омиллари белгиланди. Шундан сўнг, хориждан 5 та контейнерда эҳтиёт қисмлар, зарур ускуналар келтирилди. Олинган кредит маблағларининг 2 миллион 152 минг АҚШ доллари завод қурилишига, 598 минг доллари 140 гектар очиқ майдондаги экинларни томчилатиб суғориш тармоғини барпо этишга сарфланди.

Бу йил 500 гектар майдонда помидор етиштирилмоқда. **Мутахассисларнинг таъкидлашича, корхона тўла қувват билан ишга тушганида, йилига 2 миллиард сўм даромад олиш мумкин.** Бу ерда Жўрлибек Йўлдошев, Янгибой Тўраханов, Қусберген Омонқуловлар энг зарур, қўли гул мутахассис ҳисобланишади. Бу каби фидойиларнинг саъй-ҳаракати туфайли технологик жараён бир маромда ишламоқда.

Ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб бораяпти. Ҳар бир ишчига бир ойда 9100 сўмлик овқат, 5 минг сўмдан йўлкира пули берилмоқда. Моҳир шифокор Булғон Бурашева ноз-неъмат бунёдкорлари соғлиғи йўлида елиб-югуради. Дори-дармон ҳамиша бор. Ишловчилар ўзлари хоҳлаган вақтда энг яхши сиҳатгоҳда саломатликларини тиклашлари мумкин. Хўжаликда етиштирилаётган помидор, бодринг ва бошқа маҳсулотлар ишчиларга текин берилиши, хориж инвестицияси шарофати билан 300 га яқин киши иш билан тўла таъминланганлиги таҳсинга лойиқ.

«Қорақалпоғистон» агросаноат бирлашмасининг тажрибаси агар тадбиркорлик билан иш юритилса, барча масъулиятни бирдек ҳис қилса, изланса, ташаббус кўрсатса, ҳар қандай шароитда ҳам ердан баракали ризқ-рўз ундириш мумкинлигини ёрқин исботлаб турибди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳамма камчиликлар учун табиий офатларни рўкач қилиб, бу йўл билан ўзини оқлашга уриниш ишни билмайдиган, ташкилотчилик қобилияти етишмайдиган, ҳақиқатни яшириб кўрсатадиган заиф одамларнинг усулидир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
Болтабой ЭРНАФАСОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

Нукус шаҳрининг шундоқ ёнида жойлашган «Қорақалпоғистон» агроҳўжалигини олайлик. Бу ердаги иссиқхонада томчилатиб суғориш орқали нафақат Оролбўйи, балки Тошкент бозорларида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетадиган ноз-неъматлар етиштирилаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

(Президент Ислом Каримовнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан).

РАҚАМЛАР ТАҚҚОСЛАНГАНДА

Рақамлар иқтисодий ўсиш суръатларини кўрсатиб турибди. Хориж технологияси қўлланилмаган 1996 йилда 327 тонна маҳсулот олинган бўлса, бултур 942 тонна неъмат етиштирилди. Ҳосилдорлик бир квадрат метр майдон ҳисобига 5,4 центнердан қарийб 20 центнерга етди. Умумий даромад 183 миллион 450 минг сўмни ташкил этди. Ҳар бир кишининг ўртача ойлик маоши 22.100 сўм бўлмоқда. Рентабеллик даражаси 12,8 фоизга ортди. Бу ютуқлар замирида фидойи меҳнат, изланиш ва омилкорлик ётади. Жумабой Қалимбетов, Сулаймон Аҳмедов, Гулайша Турсунова каби бригада етакчилари, Фердагул Тобинбоева, Омонгул Мингтўрганова, Гулзор Ортиқова, Оқбика Камолова, Светлана Жанабаева сингари ўз касбининг усталари тежамкорликда, юқори сифатли маҳсулот етиштиришда намуна бўлишмоқда. Агроҳўжалик кишилари бир оила аъзоларидек ҳамжиҳат яшашади.

Иссиқхона илгари табиий газ билан иситиларди. Зангори оловнинг халқ хўжалигига зарурлиги ҳисобга олиниб, арзон ва қулай ҳисобланган суюқ ёқилғидан фойдаланишга ўтилди. Хўжаликда 5 та қозонхона мавжуд бўлиб, тўлиқ таъмирлаб қўйилган.

ТАБИИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ РЎКАЧ ҚИЛИШ ЗАИФЛИКДИР

— Иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалигида ўзининг кутилган самарасини бера бошлади, - дейди бирлашма раиси Ниятбой Палваниязов. - Жамоамиз ўз ишини пухта биладиган, садоқатли 222 нафар деҳқон ва мутахассисдан ташкил топган. Давлатимиз раҳбарининг хорижий инвестицияни ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш борасидаги даъватидан руҳланиб, яна бир хайрли ишга қўл урдик. Италиянинг номдор фирмаси билан имзоланган шартнома асосида агросаноат мажмуини янада кенг миқёсда ривожлантиришга киришилди. Катта миқдордаги АҚШ доллари қийматига эга бўлган кредит лойиҳаси 2000 йилнинг майида Осиё Тараққиёт банки томонидан маъқулланди. Натижада Исроил технологияси усулида 140 гектар очиқ майдонни томчилатиб суғориш ва полиэтилен халталарда соатига 10 тонна томат пастаси ишлаб чиқарадиган завод италиялик мутахассислар томонидан ускуналанди. **100 кишини иш билан таъминлаган йирик озиқ-овқат саноати мажмуаси Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди. Бултур ушбу заводда 130 тонна харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 30 миллион сўмдан ортиқ фойда олинди.**

Ҳар иккала давлат вакилларининг ўтган йилги учрашувида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Ҳамкорликни янада ривожлантириш омиллари белгиланди. Шундан сўнг, хориждан 5 та контейнерда эҳтиёт қисмлар, зарур ускуналар келтирилди. Олинган кредит маблағларининг 2 миллион 152 минг АҚШ доллари завод қурилишига, 598 минг доллари 140 гектар очиқ майдондаги экинларни томчилатиб суғориш тармоғини барпо этишга сарфланди.

Бу йил 500 гектар майдонда помидор етиштирилмоқда. **Мутахассисларнинг таъкидлашича, корхона тўла қувват билан ишга тушганида, йилига 2 миллиард сўм даромад олиш мумкин.** Бу ерда Жўрлибек Йўлдошев, Янгибой Тўраханов, Қусберген Омонқуловлар энг зарур, қўли гул мутахассис ҳисобланишади. Бу каби фидойиларнинг саъй-ҳаракати туфайли технологик жараён бир маромда ишламоқда.

Ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб бораяпти. Ҳар бир ишчига бир ойда 9100 сўмлик овқат, 5 минг сўмдан йўлкира пули берилмоқда. Моҳир шифокор Булғон Бурашева ноз-неъмат бунёдкорлари соғлиғи йўлида елиб-югуради. Дори-дармон ҳамиша бор. Ишловчилар ўзлари хоҳлаган вақтда энг яхши сиҳатгоҳда саломатликларини тиклашлари мумкин. Хўжаликда етиштирилаётган помидор, бодринг ва бошқа маҳсулотлар ишчиларга текин берилиши, хориж инвестицияси шарофати билан 300 га яқин киши иш билан тўла таъминланганлиги таҳсинга лойиқ.

«Қорақалпоғистон» агросаноат бирлашмасининг тажрибаси агар тадбиркорлик билан иш юритилса, барча масъулиятни бирдек ҳис қилса, изланса, ташаббус кўрсатса, ҳар қандай шароитда ҳам ердан баракали ризқ-рўз ундириш мумкинлигини ёрқин исботлаб турибди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳамма камчиликлар учун табиий офатларни рўкач қилиб, бу йўл билан ўзини оқлашга уриниш ишни билмайдиган, ташкилотчилик қобилияти етишмайдиган, ҳақиқатни яшириб кўрсатадиган заиф одамларнинг усулидир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
Болтабой ЭРНАФАСОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

Касаба уюшма ҳаёти

Узун туманидаги 9-ихтисослаштирилган мактабга ўқувчилар ҳар йили танлов асосида қабул қилинади. Айни пайтда мазкур билим даргоҳида 7-10 синфларда 99 нафар ўқувчиларимиз инглиз тилидан чуқур билим олишмоқда.

Мактабимизда ҳар бир дарс махсус хоналарда олиб борилади. Ўқув жиҳозлари, кўргазмали қуроллар асосида ўтилаётган дарслар ўқувчиларимизга ҳар томонлама манзур бўлмоқда. Шунингдек, вилоятимизнинг Бандихон, Сариосиё, Жарқўрғон, Қумқўрғон каби туманларидан келган ўқувчиларимиз кунига 4-маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланишган. 10 нафар ўқитувчи ҳамда 12 нафар ўриндошлик билан ишлаётган мураббийларимизни танлов асосида қабул қилганмиз. Уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам анчагина ишларни амалга оширдик. Бунда маъмурият билан ҳамкорликда қабул қилган жамоа шартномамиз муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Шартномага асосан ўқитувчиларимиз учун мактабда барча шароитлар мавжуд. Уларнинг ойлик маошлари ўртача 20-25 минг сўм атрофида бўлиб, ҳар ойда 50 фоиз қўшимча ҳақ тўланмоқда. Ҳар бир байрам ва ўқитувчилар кунида илғор мураббийларимизга маъмурият томонидан эсдалик совғалари ва пул мукофотлари бериб борилмоқда. Халқаро хотин-қизлар, «Наврўз» байрамларида Замира Юсупова, Ўрозгул Сафарова, Маматкарим Пардаев ҳамда Соатмурод Дўрмоновлар муносиб рағбатлантирилдилар. Ҳар ҳафтада «Ўлкамиз тарихини биласизми?», «Мушоира», «Инглиз тилида сўзлашамиз» мавзусида «Давра суҳбатлари» ўтказиб бормоқдамиз. Жамоа шартномасига мувофиқ, апрел ойида ўқувчиларимизни «Боботоғ» тизмаларига саёҳатга олиб чиқдик. 30 нафар ўқувчиларимиз Бухоро ва Термиз шаҳарларида саёҳатда бўлиб қайтишди.

Мавлон ҲИСОРОВ,
Узун туманидаги 9-ихтисослаштирилган мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси.

«Шифокор» соғломлаштириш оромгоҳи андижонлик ўқувчиларнинг севимли маскани саналади. Ҳар йили 900 нафар бола бу ерда дам олади. Булоқбоши туманининг сўлим гўшасида жойлашган мазкур оромгоҳ мусаффо ҳавоси ва гўзал табиати билан дам олувчиларни ўзига жалб этади.

ЁЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

- Ҳозир бу ерда тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда,- деди соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Д.Эргашева. - Ошхона, 12 та ётоқхона биноси таъмирланди, 10 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши қўмагида оромгоҳ кутубхонаси янги китоблар билан бойиди. Ота-оналар йўлланманинг фақат 10 фоизини тўлашади.

(ЎзА).

«БУХОРОНОН» ШИРИНЛИКЛАРИ

«Бухоронон» акциядорлик жамияти ўз маҳсулотларини четга чиқаришга интиляпти. Бугунги кунда корхонада таёрланаётган ўттиздан зиёд маҳсулотлар орасида макароннинг талабгорлари айниқса кўп.

Йилнинг дастлабки чорагида "Бухоронон-"да жами қиймати 500 миллион сўмлик уч минг тонна нон ва нон маҳсулотлари, 410 тонна макарон ҳамда 40 тонна шарқона ширинликлар тайёрланди.

- Шу йилнинг бошида Олмонияда ўтган кўргазма-ярмаркада корхонамизда тайёрланган "Пашмак" ҳолва олтин медалга сазовор бўлди, - деди акциядорлик жамияти раиси Мансур Восиев "Туркистон-пресс" мухбирига. Халвойи, обиноввот, новвот каби ширинликларимиз ҒФР ва Франция савдо фирмаларининг эътиборини тортди.

Айни пайтда ўзимиз чиқараётган маҳсулотларнинг кўринишини янада яхшилаш, уларни замонавий ускуналарда ўраш ва қадоқлашни йўлга қўйишни режалаштиряпмиз.

«Туркистон-пресс»

Термизда Тадбиркорлар маркази фойдаланишга топширилди. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи арафасида бу муҳташам бинонинг бунёд этилгани нур устига нур бўлди. Унда Бизнес фонд, Давлат мулк қўмитаси, Тадбиркорлар палатаси, Вилоят хомашё биржаси, Кўчмас мулк биржаси жойлашди.

Ишга туширилган биржа савдо залида 13 та компьютер ўрнатилган бўлиб, у республика мол хомашё биржаси билан уланган ва ҳар бир брокер ўзининг маҳсулотини савдога қўйиши, хорижий давлатлар билан олди-сотди операцияларини бажариши мумкин.

Суратларда: Тадбиркорлар марказидан лавҳалар.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ШИКАСТЛАНИШ

Меҳнат муҳофазаси

Ўтган йили вилоят меҳнат жамоаларида 14 та бахтсиз ҳодиса қайд этилди. Ана шундан 7 таси фожеа билан тугаган бўлса, 7 таси оғир мажруҳликка сабаб бўлди.

Арнасой туманидаги 6-механизациялашган кўчма жамланма экскаваторчиси Очил Ашировнинг оёғини двигател ўраб кетди. «Жиззах-иссиқнон» ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси Собир Турсуновнинг қўлини агрегат ғажиди. Бу далиллар кишини жунбушга келтирмай қўймайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўплаб қонунлар қабул қилинди. Улардан бири «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонундир. Унда мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, фирмалар, жамиятлар, қўшма корхоналар, хусусий корхоналар ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ягона тартиби белгиланган.

Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Меҳнат муҳофазаси бошқармаси» ҳамда «Давлат меҳнат техника инспекцияси»нинг жойлардаги бўлимлари Меҳнат Кодекси талаблари асосида жамоаларда Қонунга риоя этилиши юзасидан назорат олиб бормоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятдаги кўпгина корхона ва ташкилотларда ишчилар ва раҳбар ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича махсус ўқишлардан, иш жойларида йўл-йўриқлардан ўтказилмаяпти. Иш берувчи томонидан техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида йўл-йўриқлар берилмаслиги оқибатида қонун бузилишлари келиб чиқмоқда.

Айрим ҳолларда иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиш, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган шароитларни яратиб бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси қонунларига эътибор билан қараш ўрнига жамоа шартномаларини тузмаган, тузилганлари ҳам ҳужакўрсинга эканлиги учрамоқда. Бундай ачинарли ҳолни Зафаробод, Ғаллаорол, Бахмал туманлари машина-трактор парклари ҳам кузатиш мумкин. Уларнинг жамоа шартномаларида кўрсатилган имтиёзлар ўз вақтида амалга ошмаяпти.

Баъзи раҳбар ходимлар ўзлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тушунчага эга эмас. Аёллар, ногиронлар ва ўсмирлар меҳнатини муҳофаза қилиш ўрганиб чиқилганда имтиёзлар тўғри берилмаётганлиги, аёллар ва ўсмирлар зарарли омиллар таъсири остида ишлаётганлиги, тунги сменаларда, дам олиш кунларида ҳам ишлашларга йўл қўйилаяпти. Бунга мисол қилиб Пахтакор туманидаги А.Икромов пахта тозалаш корхонасида содир бўлган бахтсиз ҳодисани келтириш мумкин. Мазкур корхонада ҳали вояга етмаган, М.Абдуолимовнинг ҳафтасига 36 соат ўрнига 48 соат ишлашига йўл қўйилган, ҳатто, бахтсиз ҳодиса содир бўлган кун ҳам шанба эди.

Зафаробод пахта тозалаш корхонаси ишчиси, 20 ёшли Гулмира Мартанова линтер цехидаги аппарат шнеки устида ҳимоя тўсиқлари ўз ўрнида бўлмаслиги оқибатида ҳаракатдаги шнекка тушиб кетиб, жиддий жароҳат олди.

Бундай ҳодисалардан кўриниб турибдики, баъзи ишлаб чиқариш корхоналарида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга риоя этилмаяпти.

Бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш ҳамда раҳбар кадрларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида бошқарма қошида махсус комиссия ишлаб турибди. Меҳнат жамоаларига услубий ёрдам кўрсатиш билан бирга амалий кўмак кўрсатиш, меъёрий ҳужжатлар, плакатлар билан таъминлаш, иш жойларини шаҳодатлаш учун кичик корхона ва лаборатория мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Икром ЖАББОРОВ,
Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи.
А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ОИЛА МАРКАЗИ

Андижон вилояти "Оила" илмий-амалий маркази мутахассислари томонидан "Ёш авлоднинг оиладаги тарбиясида миллий урф-одатларнинг аҳамияти" мавзуидаги илмий-амалий анжуманнинг тавсиялари аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда олимлар ва мутахассислардан ташқари, улкан ҳаётий тажрибага эга бўлган оқсоқоллар, кўп болали оналар ҳам фаол иштирок этди.

Айни пайтда "Оила" марказида "Психология ва оила", "Оилани соғломлаштиришнинг тиббий асослари", "Оила ва ҳуқуқий билим асослари" каби бўлимлар фаолият кўрсатяпти.

Марказ мутахассислари оилаларга ечилиши мураккаб муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, бу ерда оилани мустаҳкамлаш, болалар тарбияси хусусида маслаҳатлар ҳам берилаётир.

TV дастури

20-26 май

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
*
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Эллик қалъа».
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Учувчининг парвози». Бадиий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.

Болалар сайёраси:

12.05 1.»Болаликнинг мовий осмони». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 «Ўзбек спорти одимлари».
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55, 16.40, 17.25 ТВ анонс.
14.10 «Қалб гавҳари».
14.30 Кундузги сеанс: »Аёллар тангоси». Бадиий фильм.
15.50 «Бадиий кенгашдан сўнг».
16.15 «Ифтихор».
16.45 «Талабалик йилларим».
17.05 «Кино оламида».
17.30 «Куйла, ёшлигим».
18.10 «Тарих кўзгуси». Термиз. 6-қисм.
18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.00 «Миллионлар ўйини». Спорт дастури.
22.30 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
23.20 «Ахборот - дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

Профилактика муносабати билан душанба 20 май куни «Ёшлар» телеканали кўрсатувлари соат 15.15 да бошланади.

15.15 Кўрсатувлар дастури.
15.20 «Давр» ҳафта ичида.
15.50 Кўҳна оҳанглар.
16.00 Спорт ҳафтаномаси.
16.15 «Никоҳ тумори». Бадиий фильм. 1-қисм.
17.40 «Янги авлод» почтаси, Кичкинтой экрани.
18.05 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
18.20 Оқшом наволари.
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Ғазал соғинчи.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Ёшлик наволари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 Болажонлар экрани. «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи».
18.25, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 «Радиус-21».
19.10 «Мушоҳада».
19.35, 20.30, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Камалак».
20.45 «Мусиқий меҳмонхона».
21.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.30 «Пойтахт шарҳи».
22.55 Кинонигоҳ. «Гувоҳ».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Шов-шув». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.
20.00 Время.
20.35 «Ажралмас». Сериал.
21.15 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.35 Кинематограф. «Бароқ дўстим». Бадиий фильм.
23.05 «Ахборот» (рус тилида)
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Жаҳонни забт этган санъат».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Оламга саёҳат».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Бу шунақа ўйин». Бадиий фильм.
11.50 ТВ-клип.
12.05 «Париси бор уй».
12.35, 14.30 ТВ анонс.
12.40 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 80-қисм.
13.05 «Миллионлар ўйини». Спорт дастури.
13.35 Ўзбекистон халқ артистлари.
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».
14.35 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
14.55 «Қизлар давраси».
16.25 Болалар учун. «Қўшиғим - жон қўшиғим».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.40 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.10 «Келин-куёв». Телешоу.
23.25 «Мувозанат».
23.55 «Ахборот - дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, Кичкинтой экрани.
9.40 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.55 Кинотақдим.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.55 Жаҳон жуғрофияси.
11.45 Ёшлар овози.
12.05 Болалар экрани: «Билмасвойнинг ойдаги саргузаштлари». 1-қисм.
13.20 Ғазал соғинчи.
13.40 Кўҳна оҳанглар.
13.50 Интерфутбол.
15.30 Ўзбекистон дурдоналари: Бухоро.
15.40 «Никоҳ тумори». Бадиий фильм. 2-қисм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
17.30 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.00 ТВ-анонс.
18.10 Автопатруль.
18.30 Сифат белгиси.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Дийдор.
20.15 Марди майдон.
20.35 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Нокаут».
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45-23.50 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.10 «Шаҳримиз дурдоналари».
18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 5-серия.
19.05 «Туризм ҳақида».
19.35, 21.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Нима учун?»
23.00 Кинонигоҳ. «Қадим наволар».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00

*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Шов-шув». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
20.00 «Время».
*
20.35 «Ажралмас». Сериал.
21.15 «Мюзик-холл».
21.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
21.50 Кинематограф. «Халокатга учраганлар». Бадиий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қоядаги расмлар», «Ёз нафаси».
9.20 «Бахтимизга омон бўлинг».
9.40 «ТВ альманах».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Ўлим билан олишув». Бадиий фильм.
11.55, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Оламни асранг!»
12.25 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
12.45 «Нафосат гулшани».
13.05 «Яккама якка жанг». Таэквандо.
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 Кундузги сеанс: «Отпускага чиқолмадик». Бадиий фильм.
15.40 Теннис бўйича «Челенжер» халқаро турнири.
16.20 «Ягона оилада».
16.50 ТВ клип.

Болалар сайёраси:

17.00 1. «Яшил чироқ». 2. «Санъат ғунчалари».
18.10 «Соғлом авлод» жамғармаси соврини учун кураш бўйича Республика турнири.
18.35 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.55 «Аёл дунёни тебратар».
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Киноконцерт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». К. Раҳматов.
21.35 «Таянч нуқтаси».
21.55 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.25 «ТВ-клуб».
22.50 «Ахборот -дайжест».
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 Давр-интервью.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.00 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 Болалар экрани: «Билмасвойнинг ойдаги саргузаштлари». 2-қисм.
13.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.05 Кўҳна оҳанглар.
14.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
15.05 Автопатруль.
15.25 «Есения». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 Ўйна, болажон, ўйна.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «У ким? Бу нима?»
17.25 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.40 ТВ-анонс.
17.50 «Мени тушун». Телеўйин.
18.15 Олов билан юзма-юз.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлик наволари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Ракурс.
20.45 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 6-қисм.
19.10 «Камолот фасли».
19.35, 21.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 ТТВда мусиқа.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Санъатга бахшида умр». О. Ҳотамов.
23.00 Кинонигоҳ. «Тутси».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Шов-шув». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Ажралмас». Сериал.
21.20 «Соккер клуб».
21.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
21.50 «Сизнинг адвокатингиз».
22.10 Кинематограф. «Биринчи миллион». Бадиий фильм.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

Болалар сайёраси:

9.00 1. «Яшил чироқ». 2. «Санъат ғунчалари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Шайтон малайлари». Бадиий фильм.
11.40 «Олов - тилсиз ёв».
11.55, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Фанимиз истиқболлари».
12.25 Теннис бўйича «Челенжер» халқаро турнири.
13.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
14.30 Кундузги сеанс: «Олмазор». Бадиий фильм.
15.45 «Озода бўлса шаҳринг».
16.00 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. «Насаф» - «Пахтакор».
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.

Болалар сайёраси:

17.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2.»Кўзмунчоқ».
18.10 Эстрада тароналари.
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Дунёқараш».
21.20 «Аския кечаси».
22.00 «Руҳият манзаралари».
22.30 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «У ким? Бу нима?»
9.45 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.00 Ракурс.
10.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.
11.00 Спорт қитъаси (рус тилида)
11.30 Сенинг вақтинг (рус тилида)
11.50 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Дийдор.
12.50 «Мени тушун». Телеўйин.
13.15 Интерфутбол.
14.55 Кўҳна оҳанглар.
15.05 Олов билан юзма-юз.
15.20 «Есения». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.20 Сифат белгиси.
16.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли сериал.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
17.45 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
18.00 ТВ-анонс.
18.10 Адолат сарҳади.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Чемпион сирлари.
20.15 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
20.30 Бегойим.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.25, 20.00, 21.30, 22.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 7-қисм.
19.10 «Эътиқод».
19.35, 21.15, 22.35 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Янги иқтисод». Бевосита мулоқот.
23.15 Кинонигоҳ. «Коломбо. Қайта кўрик».
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
20.00 «Время».
20.40 «Ажралмас». Сериал.
21.20 «Соккер клуб».
21.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
21.50 «Сизнинг адвокатингиз».
22.10 Кинематограф. «Биринчи миллион». Бадиий фильм.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Кўзмунчоқ».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Шайтон малайлари жинлар тегирмонида». Бадиий фильм.
11.30 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Хоразм вилояти.
11.55 ТВ анонс.
12.05 Теннис бўйича «Челенжер» халқаро турнири.
12.45 «Қувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.
14.10 «Олам». Телеальманах.
14.40 «Меҳр қолур».
14.55 Симфоник мусиқа дунёси.
15.15 Кундузги сеанс: «Оқ шудринг қишлоғи». Бадиий фильм.
16.40 «Моҳият».

Болалар сайёраси:

17.00 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
17.40 «Нурли манзиллар».
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Зиё», студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.05 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
22.30 «Оталар сўзи - ақлнинг кузи».
23.30 «Ахборот - дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
9.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 Ўйна, болажон, ўйна.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 Адолат сарҳади.
11.15 Болалар экрани: «Жонли камалак».
12.20 Ёшлар овози.
12.40 Интерфутбол.
14.15 Кўҳна оҳанглар.
14.25 Оила тилсими.
14.45 «Менинг сўнгги тангоим». Бадиий фильм.
16.20 ТВ-анонс.
16.30 Бегойим.
16.50 Очун.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Сўнгги қўнғироқ».
17.45 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
18.00 Қўли гул уста.
18.20 «Сиз қонунни биласизми?» (Жиззахда бўлиб ўтган республика кўрик-танловининг якуний босқичи ҳақида)
18.40 Оқшом наволари.
18:55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр», Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Аср қиёфаси.
20.00 Оролмирзо Сафаров куйлайди.
20.25 Аскар мактублари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр», Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20-00.25 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Мульттўплам.
18.10 «Спорт ва болалар».
18.25, 20.00, 21.30, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 8-9 сериялар.
19.35, 21.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 Мусиқий танаффус.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.45 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.40 Кинонигоҳ. «Икки йўл орасида».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Жаҳон бўйлаб».
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Келажак метрологияси».
20.55 «Дурдаршан».
21.20 «Кун мавзуси».
21.35 «Витас: Опера №1». Концерт дастур.
22.25 Кинонинг олтин асри: «Хизматкорнинг синглиси». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

Болалар сайёраси:

9.00 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
9.40 «Мусиқа бўстони».
10.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ҳисор кўриқхонаси».
10.15 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.35 «Саҳна ҳаёти».
11.00 «Кичик дўстлар саргузаштлари». Мультфильм.
11.35 «Дунё кўриб дунёлар ярат».
11.55,14.00 ТВ анонс.
12.00 ТВ-1 кинотеатри: «Жигарбандим ёди». Бадиий фильм.
13.30 «Кўҳна замин оҳанглари».
14.05 «Маърифат». Телеальманах.
14.25 «Интерклуб».

Адабий жараён:

15.05 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти».
15.50 ТВ-клип.
15.55 «Ягона оилада».
16.25 Болалар учун. »Фламинго».
16.45 «Рангин дунё».

Болалар сайёраси:

17.00 1. «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 2. «Сўнгги қўнғироқ».
18.15 «Кредит: муаммо ва ечимлар».
18.35 «Мусиқа: кеча ва бугун».
18.55 «Пазандалик сирлари».
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Азиз одамлар». Дам олиш дастури.
22.05 «Соғлом она - соғлом бола».
22.25 «ТВ-альманах».
22.45 «Ахборот - дайжест».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

23.05 «Ёлғиз эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Сўнгги қўнғироқ».
9.25 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.40 Табобат оламида.
10.00 «Эсмеральда». Телесериал.
10.30 Аср қиёфаси.
10.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
11.50 Кутилмаган меҳмон.
12.10 Кўҳна оҳанглар.
12.20 Ёшлар овози.
12.40 «Жюли Леско». Телесериал 1, 2 қисмлар.
14.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.50 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.40 «Рамаяна». Телесериал.
16.15 Ҳуқуқ ва бурч.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.05 Саломатлик сирлари.
17.25 Сўнгги қўнғироқ.
17.40 ТВ-саёҳат.
18.00 Футбол плюс.
18.20 Оқшом наволари.
18.35 Бизнес-академия.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Аср қиёфаси.
20.00 Оролмирзо Сафаров куйлайди.
20.25 Аскар мактублари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Хайр, мактаб!» Андижонда бўлиб ўтган битирувчи ёшлар оқшомидан ёзиб олинган мусиқий дастур.
23.40 «Грейс ва Глори қиссаси». Бадиий фильм.
1.15-1.20 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.30 «Мисли гавҳар».
18.45 «Саломатлик маскани».
19.00, 20.15, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
19.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.30 «Ташриф».
20.50 «Нима учун?»
21.35 Кинонигоҳ. «Танишинг, Жо Блэк». 1-2 сериялар.
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9:05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
9.45 «Лаззат».
10.05 «CFI янгиликлари».
10.15 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
10.40 «Экран зийнати ва қиймати».
11.05 «Олтин микрофон». Мусиқий кўрсатув.
11.35 «Мульттақдим».
11.55 «Дўстлик» видеоканали: «Немис шарҳи», «Ўзбекистон умумий уйимиз», «Сахий хонадонда».
12.55-13.25 «Немис тили».
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Бинафша».
17.15 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
17.40 «Британия кундалиги».
18.00 «Гонче» мойи. Тақдимот маросими».
18.05 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.30 «Нима? Қаерда? Қачон?»
21.40 «Азиз инсонлар».
22.00 «Автострада».
22.15 Кинематограф. «Ҳаёт сурури». Бадиий фильм.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Ғаройибот».
9.30 «Нўхат полвон», «Ғозу-турналар». Мультфильмлар.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?» Бевосита мулоқот.
12.00 «Пазандалик сирлари».
12.10 «Она меҳри».
12.30 ТВ-1 кинотеатри:«Ниқоблар». Бадиий фильм.
14.05 «Қалб гавҳари».
14.25 «Мусиқий учрашувлар».
14.55 «Чиройли ва хунук инсонлар». Видеофильм.
16.00 «Портретга чизгилар».
16.20 «Уй бекаси».
16.40 «Талабалик йилларим».
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.

Болалар сайёраси:

17.40 1.»Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.35 «Тўртинчи ҳокимият».
18.55 «УзДЭУ авто тақдим этади: Ютуққа 5 автомобиль».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Куйла, ёшлигим».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».

Якшанба кинозали:

21.50 «Кино оламида».
22.10 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба. «Замонлар оша». Бадиий фильм.
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси», Болалар шеърияти.
9.25 «Мульттомоша».
9.55 Давр-интервью.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Заковат» интелектуал ўйини.
11.25 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари.
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Нокаут».
12.25 Очил дастурхон.
12.40 Сўнгги қўнғироқ.
12.55 Зарафшон наволари.
13.10 Футбол-2002.
13.50 Кўҳна оҳанглар.
14.00 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
14.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.10 Спорт ҳафтаномаси.
15.25 «Рамаяна». Телесериал.
16.00 Қўшқулоқ.
16.15 Чемпион сирлари.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
17.05 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.10 Кўҳна оҳанглар.
18.20 ТВ-анонс.
18.30 Якшанбада кўришгунча.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Синфдош.
19.45 Аёл қалби наволари.
20.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Озод юрт фарзандлари» туркумидан: «Парвоз» видеофильми.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар
20.30 «Жюли Леско». Телесериал. 4-қисм.
21.20 «Зинама-зина».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичида».
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Жар ёқасида». Бадиий фильм.
00.20-00.25 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45, 21.15, 22.30 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Пойтахт шарҳи».
20.25 «Жаҳон географияси».
21.30 «Телефакт».
21.40 «Камолот фасли».
22.10 «Спорт-клуб».
22.45 Кинонигоҳ. «Қутилмаган меҳмон».
23.55-00.00 «Х

Қишлоқ меҳнаткашларининг республика «Саломатлик» спартакиадаси мусобақаларида

ҲАЯЖОНЛИ, УНУТИЛМАС ОНЛАР

Термиздан мухбирларимиз К.Оллоёров ва Р.Давлатов хабар қилади

Қадим ва навқирон Термизда ташкиллаштирилган қишлоқ меҳнат жамоалари ўртасидаги мусобақаларнинг иккинчи кунида деярли барча спорт турлари бўйича гуруҳ ўйинлари якунланиб, кейинги босқичга йўл олган жамоалар аниқланди. Хусусан, мини футбол бўйича Жиззах («А» гуруҳи), Тошкент («В» гуруҳи), Наманган («С» гуруҳи), Сурхондарё («Д» гуруҳи) вилоятлари футболчилари ўзларининг юксак маҳоратга эга эканликларини намойиш этдилар.

Шоҳмот бўйича Андижон, Наманган, Сурхондарё ва қорақалпоғистонлик «ақл ўйини» усталари ўзаро ўйинларда совриндорларни аниқлайдиган бўлишди.

Термиз Давлат университетининг замонавий спорт залида аёллар волейбол жамоалари кураш олиб бордилар. Юзлаб томошабинлар бутун учрашувлар мобайнида Андижон, Хоразм ва Наманган вилоятлари ҳамда мезбон волейболчиларнинг чаққон хатти-ҳаракатларини олқишлаб турдилар. Улар ҳам ўз навбатида мухлисларини уялтириб қуйишмади: айнан мазкур тўрт вилоят волейболчи қизлари ярим финал баҳсларида қатнашадиган бўлишди.

Мухлису мутахассисларда ғоят катта қизиқиш уйғотган, 5 вазн тоифасида ўтказилган миллий ва белбоғли кураш бўйича мусобақалар шу куни ўз поёнига етди. Миллий курашда умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи, қашқадарёликлар иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринни эгаллашди. Фарғона ҳод Хўжамқулов, Файзи Очилов, Илҳомжон Даминов, Тўлқин Валиев (Сурхондарё), Аббос Мардонов, Нодир Эшонқулов, Чори Баратов (Қашқадарё), Санжар Тўйчиев, Шуҳрат Мусаев (Самарқанд) каби полвонлар жамоалари ғалабасига катта ҳисса қўшишди.

Тош кўтариш баҳсларида ҳам сурхондарёликлар пешқадамлик қилишди. Бандихонлик полвон Эргаш Тўхлиев 24 килограммлик тошни даст кўтаришда энг юқори натижа (266 марта) кўрсатиб, Сурхондарё ҳақиқий Алпомишлар юрти эканлигини исботлади. Кейинги ўринларга қорақалпоғистонлик Ережепбай Алмагамбетов (150 марта) ва андижонлик Исмоилжон Корашов (120 марта)лар муносиб топилди.

Беллашувлар ҳал қилувчи паллага кирган бир пайтда биз спартакиада қатнашчилари, мураббийлар ва мухлислар фикри билан қизиқдик.

Сафар МАМАТАЛИЕВ, мактаб ўқувчиси, мухлис:

— Олтинсой туманидаги 6-ўрта мактабнинг 7-синфида ўқийман. Футболга жуда қизиқаман. Шунинг учун ҳам акам ушбу мусобақанинг футбол ўйинларини томоша қилиш учун бу ерга олиб келдилар. Тўғрисини айтсам, менга наманганлик ва тошкентлик футболчи акаларимнинг ўйинлари жуда ёқди. Барча учрашувларда уларга ишқибозлик қилдим.

Келажакда маҳоратли футболчи бўлиш, Ўзбекистоннинг энг яхши жамоасида тўп суриш ниятим бор. Касаба уюшмаларининг ушбу мусобақаси эзгу ниятимга эришишда янада кучқувват бағишлади.

Қўзи САЪДИЕВ, Қашқадарё вилояти терма жамоаси мураббийси:

— Мусобақалар биз кутгандан ҳам қизиқарли, шиддатли ўтяпти. Ҳозирча мини футбол, миллий кураш, шоҳмот, шашка, стол тенниси, тош кўтариш бўйича кучли олтиликдан жой олишга муваффақ бўлдик. Айниқса, миллий кураш мусобақаларида Аббос Мардонов, Нодир Эшонқулов, Чори Баратов, Баҳриддин Ёрматов каби полвонларимизнинг ҳар бир ҳаракати маҳаллий ишқибозлар томонидан олқишлаб турилгани бизни жуда хурсанд этди.

Энг катта таассуротларни эса вилоятнинг қадимий ёдгорликларига уюштирилган саёҳатлар мобайнида олдим. Биласизми, бундан 3 йил аввал Термизда бўлгандим. Бугун шаҳар чиройига чирой қўшилиб, тақсинга сазовор бунёдкорлик ишлари амалга оширилибди. Умуман, қадим Термиздан унутилмас таассуротлар билан қайтамиз.

Нормўмин ШАМСИДДИНОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Сурхондарё вилоят қўмитаси раиси муовини:

— Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарорига асосан мамлакатимиз қишлоқ меҳнаткашлари ўртасидаги спартакиадани юксак савияда ўтказиш учун бундан икки ой олдин ташкилий қўмита раҳбарлигида тайёргарлик ишларини бошлаб юборган эдик. Нуфузли тадбирни катта уюшқоқлик билан ўтказишга барча тармоқ вилоят касаба уюшма қўмиталари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар томонидан 1 миллион 695 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Спортчилар ва меҳмонлар вилоятимиздаги замонавий меҳмонхоналар, Термиз давлат Университети, Тиббиёт, Озиқ-овқат ва Молия-кредит коллежларининг барча шароитларга эга ётоқхоналарига жойлаштирилди. Шунингдек, меҳмонларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ҳам катта эътибор қаратдик. Шу мақсадда турли маданий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилди.

Фикримча, катта уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик билан ўтган спартакиада қатнашчилари ўртасидаги дўстона, илиқ муносабатларни янада мустаҳкамлайди, келгуси ишларимиз ривожига пойдевор бўлиб хизмат қилади.

* * *

Куни кеча мамлакатимиз қишлоқ меҳнаткашларининг катта спорт байрами ниҳоясига етди. Умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи, Наманган вилояти жамоаси иккинчи, фарғоналик спортчилар учинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақаларнинг ярим финал ва финал баҳслари хусусида газетамизнинг келгуси сонида ҳикоя қиламиз.

«Атланта кубоги»

Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов бошчилигидаги 11 нафар ёш каратэчилар Америка сафаридан қайтиб келишди. Болалар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган «Атланта кубоги» мусобақаларида вакилларимиз жамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллашди. Каратэчиларимиз бу сафар Халқаро мусобақада 6 та олтин, 4 та кумуш ва 4 та бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Суратда: қўш медал соҳиби Беҳруз Исматуллаев.

М.АМИН (ЎзА) олган сурат.



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Термиз шаҳридаги ҳайвонот боғи дастлаб ўз фаолиятини зоология бурчаги сифатида бошлаган эди. Кейинчалик у ҳайвонот оламининг сони ва турлари жиҳатидан ниҳоятда хилма-хиллиги сабаб тез орада машҳур бўлиб кетди.

Ҳозирги кунга келиб бутунлай қайта таъмирдан чиқарилган ҳайвонот боғи ўзгача кўриниш касб этди.

Барча турдаги ҳайвонлар яшайдиган ва сақланадиган жойлар қайта қурилди. Айни дамда Тошкент ҳайвонот боғи билан ҳамкорликда ҳайвонлар турини 141 тагача, сонини эса 390 тага кўпайтиришга эришилди.

Бу хайрли амал нафақат Сурхондарё вилояти аҳолисининг шунингдек, бу кўҳна диёрга ташриф буюраётган меҳмонларни ҳам мамнун этмоқда. Айниқса, болажонларнинг қувончи чексиз. Сабаби, барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган кўнгилочар болалар оромгоҳи улар хизматида.

Ҳайвонот боғида йиртқич ҳайвонлар, судралиб юрувчилар ва аквариум учун махсус хоналар янгитдан ташкил этилмоқда.



Н.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ним табассум

ДАВО

Афандининг бир ошнаси келиб кўнгил ғашлигидан нолиди.

— Худди юрагимни сичқон кемираётганга ўхшайди, - деди.

Афанди жавоб берди:

— Бунинг давоси осон: битта каттароқ мушукни топиб, ҳўллаб ютасиз.

КЎР

Афандининг ёшликда бирга ўсган бир дўсти бор эди. Йиллар ўтиб, шу дўсти катта мансабга минди. Афанди уни амалдорлик лавозими билан табриклаш учун идорасига кириб борди. Дўсти Афандини кўриб кўрмаганга олди.

Шунда Афанди: эсиз қадрдоним кўр бўлиб қолибди, дея эшик томон юзланди...

ДАРРОВ ОВҚАТ ЕГИСИ КЕЛАДИ

Афандининг ошналаридан бири иморат солиб, Афандини айтдириб юборди ва эртадан-кечгача олиб юриб, иморатини кўрсатди.

Юравериб Афандининг қорни жуда очди, аммо ошнаси овқат тўғрисида оғиз очмас ва уйма-уй юрар эди. Афанди, ниҳоят ошхона олдида тўхтади-да, унга диққат билан қарай бошлади. Ошначи ундан сўради:

— Ошхона ёқиб қолдими дейман-а?

— Ҳа, ошхонани жуда боплабсиз! - деди Афанди. - Шундай қилибсизки, кирган кишининг дарров овқат егиси келади!

ДАРЁГА ЎТ КЕТДИ

Афанди бир лофчи билан кетаётган эди. Гузарда бир тўда одамлар тўпланиб туришган экан. Лофчи одамларни лақиллатмоқчи бўлиб:

— Биродарлар, огоҳ бўлинглар, дарёга ўт кетди! - деди.

Ҳайрон бўлган одамлар Афандидан сўрадилар:

— Афанди, дарёга ўт кетгани ростми?

Афанди жавоб берди:

— Дарёга ўт кетганини аниқ кўрмадим-у, лекин йўл устида одамлар куйган балиқларни сотиб ўтиришибди.

«ОҚ ОЛТИН-ЕС» САВДО-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2001 йил якунлари бўйича акциядорларнинг умумий йиллик йиғилиши шу йил 20 июн соат 12.00 да ўтказилишини маълум қилади

Манзил: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, «ЎзСаламан» дўкони савдо растаси.

Умумий йиллик йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2002 йил 1 март ҳолатига биноан тузилган.

Кун тартиби:

1. «Оқ олтин-ЕС» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг 2001 йилги молиявий-хўжалик фаолияти ҳисоботи .

2. Аудиторлик текшируви натижаларини тасдиқлаш.

3. «Оқ олтин-ЕС» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йил учун йиллик баланси бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.

4. «Оқ олтин-ЕС» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти йиллик бухгалтерлик балансини тасдиқлаш, 2001 йил бўйича соф фойдани тақсимлаш.

5. «Оқ олтин-ЕС» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятини «Оқ олтин» масъулияти чекланган жамиятга айлантириш.

6. Бошқа масалалар.

«Оқ олтин-ЕС» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти бошқаруви.

Одамийлик сабоқлари

ШАПАЛОҚ

Шоҳсанам болаларини жуда яхши кўради. Лекин бир қизиқ одати бор: ўзи у ёки бу сабаб билан зир югуртирса-да, ташқаридан бировнинг черткилаши у ёқда турсин, ҳатто танбеҳ-дашноми ҳам ҳазми таом ўрнига ўтмайди. Худо кўрсатмасин, биронтаси кўчадан кўз ёш билан келса борми!

Бола, барибир бола-да. Бирда бўлмаса бирда уст-боши чанг-лойга беланиб ёки эт-бети қирилиб-кўкариб дегандек, озори жон бўлиб келишлик ҳам бор. Ана унда кўринг қиёматни. Чамаси бугун ҳам шундай ғалвали кун эканми, эрта билан мактабга шанбалик дея супурги кўтариб чиқиб кетган қизи Ҳилола ковоқ-тумшуғи осилиб қайтди.

— Ҳа, нима гап, бирорта қўлинг акашак бўлгур урдими? — сўроққа тута бошлади Шоҳсанам. — Қайси ўртоғинг — Назими ёки анави пучуқ Муршими?..

Хотинининг ўтхонаси ёрилиб шанғиллашидан уялдими, Исматулла орага тушди.

— Секинроқ, қўшнилар эшитади.

— Эшитса эшитаверсин, — силталаб ташлади Шоҳсанам, — улардан тили қисиқ жойим йўқ. Ёқмасам, кирди-чиқди қилмай қўяқолишар. Жуда кўзим ҳам учиб турганги йўқ!

Исматулла уф тортди.

— Шу одатинг қолмади-қолмади-да. Аввал сўра-чи қизингдан, ўзи нима бўлганикин, балки касалдир, — сўнг Ҳилоладан сўради. — Эт-бетинг оғримаяптими?

Ўзининг ҳолати жанжалга баҳона бўлишидан қўрқиб турган қизалоққа хиёл жон кирди. Лекин негадир ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди-да, шу кўйи узуқ-юлуқ ҳикоя қилишга тушди.

— Кеча устозим менга синфком бўласан, дегандилар... Бугун ҳаммани олдида Сожи синфком бўлади дедилар...

Исматулланинг юзига табассум югурди.

— Э, шунга шунчами? — у ўз кайфияти бошқаларга ҳам ўтсин учунми атайин қаттиқроқ кулди. — Бу йил бўлмаса, келаси йил бўларсан. Бу ёғи ўқишларинг ҳам тугай деб қолди. Сентябр келсин, ўзим чиқиб, устозинг билан гаплашаман.

Гап нимадалигини билиб, Шоҳсанам ҳам бироз ҳовурдан тушди. Аммо қизини четлатишгани унинг зардасини қайнатиб юборганини яширолмади. Аламини тўкиб сочди.

— Мен барибир буни шу ҳолича қолдирмайман! Ўша хомсемиз устозингни бугунок тавбасига таянтирмасамми! У ҳали менинг совунимга кир ювмабди. Болани алдашни мен унга кўрсатиб қўяман...

Шу пайт мойсираб қолган кўча эшикнинг ғийқиллаб очилгани эшитилди. Эр-хотин ярқ этиб ўша томонга қарашди-ю, бир асно ток ургандек донг қотишди. Ота-онасидаги ўзгаришдан ҳайрон бўлиб, Ҳилола ҳам кўча ёққа юз бурди. Остонада онаси ҳозиргина хомсемиз, деб ҳақоратлаётган синф раҳбари Ҳадича опа турарди.

Биринчи бўлиб Шоҳсанам ўзига келди. Илдам қадамлар билан меҳмонга пешвоз чиқиб, худди эгачи-сингил каби сўрашди. Мулозамат кўрсатиб, ичкарига бошлади. Йўл-йўлакай меҳмон Исматулла билан хўшлашди, нима қиларини билмай қизариб-бўзариб қолган Ҳилоланинг бошини аста силаб ўтди-да, уйга киришни хушламай, шундоққина девор теккасига, дарахтлар соя ташлаб турган стулга омонатгина ўтирди. Фотиҳа ўқилди-да, яна боягидек қайтадан ҳолаҳвол сўрашилди.

Сўнг ўртага бир муддатга сукунат чўкди. Ноқулай вазиятни барҳам топтириш учунми, Шоҳсанам сал бурун дамлаб келинган чойнакни қизига тутқазди:

— Бор, янгилаб кел.

Ҳилоланинг кетишини кутаётган эканми, меҳмон сўз очди.

— Мен сизлардан узр сўраб келдим...

Эр-хотин шошиб қолишди.

— Вой, бу нима деганингиз? — Бидирлаб эътироз билдира бошлади Шоҳсанам. — Боламизни шунча ўқитиб, яна... Ахир бу нима қилганингиз. Қўйинг, бизни уялтирманг.

Исматулла ҳам жим ўтиролмади.

— Ҳозиргина сизни эслашиб, мақтаб тургандик...

— Ёмонлаб, деяверинг ҳижолат тортмай, — Ҳадича опа мулозаматни бир чеккага суриб, бевақт ташрифи боисини тушунтиришга бошлади. — Тўғриси, бугун шунга лойиқ иш қилиб қўйдим. Қизингизга, ўз ўқувчимга нисбатан адолатсизлик қилиб қўйдим.

Муаллимнинг айтмишидан маълум бўлдики, шу пайтгача синфкомлик қилиб келаётган ўқувчиси бошқа мактабга ўтиб кетганлиги учун келаётган душанбада умумий йиғилиш ўтказиб, синфком сайлаб олишмоқчи экану, нима бўлибдию синф раҳбари ўз таклифини олдинроқ, яна келиб Ҳилоланинг ўзига билдириб қўйган, бугун эса синф икки томон бўлиб қолганини кўргач, қарорини ўзгартириб, бошқа номзодни тилга олган.

— Ҳали ўқувчиларни уйларига кузатиб қўйгач, бўлган воқеани кекса бир домламизга айтиб бергандим, устоз қаттиқ қойиб бердилар, — дея ҳикоясига хотима ясади муаллима. — Хато қилганлигимни, тарбиячига хос йўл тутмаганлигимни тушунтириб, албатта бу гуноҳим учун узр сўрашим лозимлигини уқтирдилар.

Устоз кўрган шогирдининг ўзи устозлик мақомини олгандан сўнг ҳам қилган хатоси учун устозининг маслаҳати билан ўз ўқувчиси, ўз шогирдидан узр сўраб келиши мумкинлигини нафақат эшитиб, кўриб гувоҳи бўлиб турган ота-она боғи қилмишлари учун ер ёрилса ерга кириб кетиш даражасида ўтиришар, нима қилиб бўлса-да, унинг кўнглини олишни ўйлаб, аммо ўйларига етолмай икки ўт ўртасида гўё фол очишарди.

Устоз яна бир карра узр сўраб, ўрнидан турди. Эр-хотиннинг астойдил ҳайҳайлаб қилган илтижолари-ю бир чимдим ош дамлаш ваъдалари ҳам эътиборсиз қолдирилиб, муаллима кўча эшик томон йўналди. Йўл устида гуноҳкорона бош эгиб турган шогирдининг сочларини яна боягидек аста силади-да, қандай пайдо бўлган бўлса шундай беҳосдан кўздан ғойиб бўлди.

Ҳовли ўртасида қолган эр-хотин нима деб ўзларига тасалли беришни билмаган каби эшикнинг ғийқиллаб ёпилишидан чиққан маъно замирига етмоқчи бўлгандек, ҳолсиз туришар, Ҳилола ҳам ўша томондан кўзини узмасди.

Зайниддин РИХСИЕВ.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир ҳайъати:

Эркин Вохидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 432. 1 2 3 4 5 6